

Сурхондарёда янги қурилган «Варроқ Термизий» масжиди фойдаланишга топширилди



09:30 / 22.08.2020 2282

Жорий йилнинг 20 август куни Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси «Варроқ Термизий» масжидини расмий рўйхатдан ўтказиб, ушбу гувоҳномани масжид ходимларига топширди. Бу ҳақда muslim.uz сайти [хабар берди](#).

Ушбу масжид вилоятдаги Термиз тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида жойлашган. Унинг номи буюк аجدодимиз Варроқ Термизий ҳазратлари номига қўйилди.

Маълумот ўрнида шуни қайд этиш керакки, «Варроқ Термизий» масжидининг очилиши билан Сурхондарёдаги масжидлар сони 115 тага,

Республикамиздаги масжидларнинг умумий сони эса 2072 тага етди.

Аввалроқ Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги «Ҳилол» масжиди рўйхатга олингани ҳақида ижтимоий тармоқларда хабар берилган эди.

Аллоҳ таоло ушбу масжидни мўмин мусулмонларга муборак қилсин. Шундай хайрли ишлар барокатидан башарият бошига келган вабони бутун дунёдан, жумладан, жаннат макон юртимиздан кўтарсин, беморларимизга комил шифо берсин, барчамизни ҳибзу ҳимоясида сақласин!

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

